
ФАРҒОНА ВИЛОЯТИНИНГ РОССИЯ ҲУДУДЛАРИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК АЛОҚАЛАРИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИЛМОҚДА

Вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров, кеча Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ва Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин раислигида бўлиб ўтган Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгашининг биринчи мажлисида нутқ сўзлади.

Фарғона вилоятининг бугунги кунда россиялик ҳамкорлар билан текстиль, энергетика, нефть саноати, мебелсозлик, хизматлар соҳаси ва шаҳарсозлик масалаларида фаол ҳамкорлик ичида эканини қайд этган вилоят ҳокими, бугунги кунда Фарғонада Россия капитали иштирокида 170 дан зиёд корхона фаолият олиб бораётганини маълум қилди.

2023 йил якунлари бўйича вилоятимизда амалга оширилган 25 та лойиҳага жами 340 миллион доллар тўғридан тўғри Россия инвестицияси жалб қилинди, бу ўринда Риштон туманида “Kosto Line Holding” МЧЖ хорижий корхонаси томонидан барпо этилган, лойиҳа қиймати 32 млн. доллар бўлган, 600 дан зиёд иш ўрни яратилган янги корхона алоҳида мисол қилиб келтириш мумкин. Бугунги кунда россиялик ҳамкорларнинг сармоялари ҳисобига умумий қиймати 227 млн. доллар бўлган 20 та янги лойиҳа амалга оширилмоқда.

Фарғона вилояти расмийлари ва ишбилармонларидан иборат делегациянинг жорий йил 14-21 май кунлари Россия Федерациясининг Бошқирдистон Республикаси ҳамда Свердловск вилоятига амалий ташрифи самарали ўтганини таъкидлаб ўтган Хайрулло Бозоров, вилоятимиз тадбиркорларига Бошқирдистон ҳудудида қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ҳамда чорвачилик лойиҳаларини амалга ошириш учун 10 минг гектаргача ер майдонлари ажратиб бериш бўйича эришилган келишувни алоҳида тилга олди.

Ўзбекистон ва Россия ҳудудлари кенгаши давомида вилоятимиз вакиллари томонидан россиялик ҳамкорлар билан умумий қиймати 536 млн. доллар бўлган 52 та янги лойиҳа ишлаб чиқилди.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2024-05-28 17:44:32